



ИСЛОМДА ҲАЁТ ҚАДРИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Жўраев Улуғбек

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази
илмий ходими*

Аннотация: *Инсон ҳаётига нисбатан ислом динида юқори даражада эътирофлар қилинган. Ҳаётни қадрига етиш масаласи ислом диннинг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада ҳаётнинг қадри мавзуси асосий диний манбалардан далиллар келтириш орқали қиёсий ўрганилади. Бу борада маълумотлар мусулмон оламида машҳур бўлган шахсларнинг асарларини тадқиқ қилиш йўли билан келтирилади.*

Калит сўзлар: *Қуръони карим, неъмат, Ҳофиз Ибн Ҳажар, Ҳасан Басрий, Имом Термизий, Абдуллоҳ ибн Умар, вақт.*

Ислом дини таълимотининг асосий мезони қаторида инсон ҳаётининг қадрига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унга кўра Аллоҳ таолонинг инсонга берган неъматлари орасида берилган ҳаётнинг қадрини ҳеч қандай ўлчов билан ҳисоблаб бўлмайди. Инсон дунё ва охиратда саодатга эришиши учун ўзига берилган умрдан унумли фойдалана олиши керак. Қуръони каримда инсон умри ҳақида қуйидаги маънода оят келтирилган: “(Эй, Муҳаммад! Одамларга) **дунё ҳаёти мисолини келтиринг. (У) худди бир сув кабидирки, Биз уни осмондан ёғдиргач, (баҳорда) у сабабли ер ўсимликлари (бир-бирига) аралашиб (қалинлашиб) кетур, сўнгра (қузда) шамоллар учуриб кетадиган хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир зотдир**³⁶”. Ушбу оятда инсон умрининг баҳори – ёшлик ва кузи – кексалик айёми экани таъкидланган.

Инсон ҳаётидаги асосий ғоя – имон-эътиқод билан солиҳ ҳаёт кечириш, ўзгаларга имкон борича наф келтириш ва ўзидан яхши из қолдиришдир. Бунинг учун эса умрни бекор ва беҳудага ўтказмай, фойдали ишлар, элу юртга манфаат келтирадиган ҳамда охират учун захира бўладиган буюк ишларни амалга ошириш учун берилган қимматли фурсат деб билиш керак. Пайғамбаримиз (алайҳи-салом) шундай деганлар: “**Беш нарсдан олдин беш нарсани ғанимат бил: кексалиқдан олдин ёшлиқни, касалликдан олдин саломатликни, камбағалликдан олдин бойликни, машғулликдан олдин бўшлиқни, ўлимдан олдин ҳаётни**³⁷”.

Ҳофиз Ибн Ҳажар айтади: “Соғлиғи ва бўш вақтини Аллоҳ таолога ибодат қилиш учун фойдаланган киши нақадар бахтли. Аксинча, соғлиғи ва бўш

³⁶ “Кахф” сураси, 45-оят.

³⁷ Имом Ҳоким, “Китабул мустадрок аъла саҳиҳайн”. 4 жилд. 306-бет.



вақтини Аллоҳ таолога гуноҳ қилиш учун сарфлаган одам нақадар зиёнкордир³⁸".

Киши фойдали ишлар билан машғул бўлиб, бефойда ишлардан ўзини тийиши унинг диёнаги гўзал эканига далолат қилади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз шундай деганлар: "Кишининг намунали мусулмон бўлиши – фойдасиз нарсаларни тарк қилиши билан бўлади" (Имом Термизий ривояти).

Ҳасан Басрий умрнинг бўлаги бўлган вақт ҳақида: "Эй одам боласи! Сен маълум кунлардан иборатсан. Қачон бир кунинг ўтса, бир бўлагинг кетди деганидир", – деган. Шунинг учун инсон ушбу чекланган умрнинг ўтаётган ҳар бир онини қадр қилиши талаб этилади.

Қиёмат куни ҳар бир шахс Аллоҳ таолонинг ҳузурда умридан ҳисоб беради – ўтказган вақти ҳақида сўралади. Бу ҳақда Расулulloҳ шундай марҳамат қилганлар: **"Қиёмат кунида банда тўрт нарсадан сўралмагунча унинг қадами жойидан жилмайди: умрини нимага сарфлагани, йигитлик даврини қандай ўтказгани, молини қаердан топиб, қаерга сарфлагани ва олган илмига қандай амал қилгани"**³⁹ (Имом Термизий ривояти).

Демак, инсон умрининг ҳар бир давридан умумий равишда, ёшлик даврини қай тариқа ўтказгани борасида алоҳида сўралади.

Бугунги кунда баъзи каттаю кичикнинг вақти, умри бекорга исроф бўлаётган майдон – ижтимоий тармоқлардир. Баъзилар телеграм, фейсбук, инстаграм, ютуб ва тик-ток каби ижтимоий тармоқларда соатлаб вақтини сарфлаб, гуноҳни пулга сотиб олаётган бўлса, яхшилик, хайрли мақсадлар, билим олиш, китоб ўқишга умрини бахшида қилаётганлар тобора камайиб кетяпти. Умр – исроф, пул – исроф, вақт – исроф!

Ёшларимизнинг ҳар бирига ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, дунё-охирати учун фойдали илм ўрганиш, бирор касбни пухта эгаллаш, хорижий тилларни ўрганиш ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам яхши эканидан ташқари мамлакатимиз келажаги учун ҳам энг тўғри йўл эканини тушунтира олиш вақти келди.

Ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват, танлари соғлом, ғайратли ва шижоатли бўлишида жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ёшларни сузишга, отда чопишга, камондан отишга ўргатиш лозим эканини таъкидлаганлар. **"Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхшироқ ва Аллоҳга суюклироқдир"**⁴⁰, – деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти).

Ислон соғлиққа зарар етказувчи ва инсон ҳаёти учун хавfli нарсалар билан шуғулланишдан қайтарган. Қуръони каримдаги **"Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг"**⁴¹, **"Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг"**⁴² каби оятлар инсонларни

³⁸ "Натаижул-афкор". 244-бет.

³⁹ "Муснад". 2419-ҳадис.

⁴⁰ "Саҳиҳи Муслим". 2664-ҳадис.

⁴¹ "Бақара" сураси, 195-оят.

⁴² "Нисо" сураси, 29-оят.



маст қилувчи ичимликлар ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишдан, ҳаётда зарарли бўлган амалларга одатланишдан қайтарган.

Аллоҳ таоло инсонга умри давомида ўзини сарҳисоб қилиб, ҳаётини ўнглаб олиши учун етарли имконият беради. Бу марҳаматдан унумли фойдалана олмаганларнинг охиратдаги надоматлари ҳақида огоҳлантиради: **“Улар у жойда: "Парвардигоро, бизларни (азобдан) чиқаргин – бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқача яхши (амалларни) қилайлик!" – деб фарёд қилурлар. Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (жазоларингизни) тотаверингиз! Золимлар (кофирлар) учун ёрдамчи бўлмас⁴³”.**

Қуйидаги ҳадис ҳам ушбу маънога далолат қилади: **“Аллоҳ таоло кимга олтмиш йил ёки етмиш йил умр берган бўлса, батаҳқиқ унга умр тўғрисида узр қолдирилмайди”** (Имом Аҳмад ривояти). Яъни Аллоҳ таоло ушбу узун муддатли умрни унга муҳлат қилиб бериш билан охиратда унинг узр айтишига ва ўзини оқлашига бирон-бир баҳона қолмаган. Ҳадиси шарифларда вақт қадри алоҳида таъкидланган бўлиб, қиёмат куни инсондан сўраладиган дастлабки тўртта саволда ҳам умрнинг сўроғи бор.

Баъзи инсонлар ўзидан кўпроқ неъмат берилганларга қараб интилади ва натижада, ўзини ҳам аҳлини ҳам қийнайди. Роббисни ҳам рози қила олмайди. Инсонларда аслида кучи етмаса-да керагидан ортиқча ҳашаматли уйлар қуриш, дабдабали тўйлар қилиш, бой-бадавлат улфатлар билан гапларда иштирок этишга ўхшаш орзу-ҳаваслар ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслик учун сабаб бўлади. Чунки бу ишлар сабаб қарзларга кўмилиб қолади. Уларни узиш учун осон пул топиш йўллари излайди.

Айримлар хорижга фарзандларини ташлаб кетади. Натижада, болалар ота меҳри ва тарбиясидан узоқда ўсиб, атрофдаги барча ўйин ва кўнгулхушликларга муккасидан кетади. Оқибатда, улар ҳаётнинг энг муҳим дамларини бой беради. Саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар айтади: Расулуллоҳ (алайҳи-салом) елкамдан тутиб, шундай дедилар: **“Дунёда гўё ғарибдек ёки йўловчидек бўл⁴⁴”.**

Шундай қилиб хулоса ўрнида айтиш лозимки, исломнинг муқаддас манбааларида инсон ҳаёти ва вақтининг қадри доимо эъзозланган. Унга нисбатан юқори даражада эътиборда бўлиш талаб этилган. Бу талаблар асосли далиллар билан мустаҳкамланган ҳамда инсонни азалий қадриятларга амал қилиш тамойиллари сифатида улуғ мутафаккирларнинг илмий меросидан ўрин олган.

⁴³ “Фотир” сураси, 37-оят.

⁴⁴ Имом Бухорий. “Саҳихул Бухорий”. 6416-ҳадис.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръон маъноларининг таржима ва тафсири”. “Мунир нашриёти”. Тошкент. 2021 йил.
2. “Олтин силсила”. “Ҳилол” нашриёти. Тошкент. 2021 йил.
3. “Китабул мустадрак аъла саҳиҳайн”. “Дорул китабул илмия”. Ливан. 2009 й.
4. “Натаижул афкор”. “Дорун Ибни Касир” нашриёти. Ливан. 2009 йил.